

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Мақтабгача ва мактаб таълими вазир  
Ўринбосари  
Г.К.Комилов  
2023 йил



**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА “ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ  
ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДАГИ 63-СОН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ  
БЎШ ТУРГАН БИНОСИ ЎРНИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК  
АСОСИДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”  
ЭТИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯСИ**

**I. Лойиҳанинг тавсифи**

**Лойиҳанинг номи:**

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 63-сон умумтаълим мактабининг бўш турган биноси ўрнида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълим ташкилотини ташкил этиш.

**Тармоқ номи:**

Мақтаб таълими

**Лойиҳа тури:**

Лойиҳа доирасида янги нодавлат таълим ташкилотини ташкил қилиш.

*(Лойиҳа доирасида янгидан қуриш,)*

**Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми**

Лойиҳалаштириш, қурилиш, молиялаштириш, фойдаланилиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш (DBFOMT)

*(Қурилиш, эгалик қилиш, эксплуатация қилиш ва қайтариш (BOOT); лойиҳалаштириш, қурилиш, молиялаштириш, фойдаланилиш, тиклаш ва хизмат кўрсатиш (DBFORM) ёки бошқа)*

**Давлат шеригининг номи:**

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги

**Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):**

Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Кўкғумбаз МФЙ, Бахмалсой қишлоғи

## II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552 “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросида таъминлаш мақсадида, бўш турган халқ таълим объектида, хусусан Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Кўкғумбаз” МФЙ, Бахмалсой қишлоғида жойлашган 63-сон умумтаълим мактаби негизида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълим ташкилотини ташкил этиш.

Мазкур топшириқни ижросини таъминлаш ҳамда умумтаълим соҳасида нодавлат секторнинг улушини кўпайтириш, ёшларни билим савиясини ошириш, чуқур таълим бериш, юқори малакали педагог ходимларни фанлар йўналишида иш билан таъминлаш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи “SHABNAM TEKSTIL” МЧЖ томонидан ташаббус қилинган ушбу лойиҳани маъқулланди.

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

### Кўшимча маълумотлар

1.	<p>а) Лойиҳанинг <u>ЛБХ/ТИА/ТИХҚ</u> мавжудлиги:            Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>            Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>
	<p><i>Лойиҳани бўйича ҳужжатлари</i></p>
2.	<p>Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:            Инвестиция дастури <input type="checkbox"/>            Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/>            Бошқа <input type="checkbox"/>            Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:</p>
3.	<p>Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?            Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>
4.	<p>Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:            Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Кўкғумбаз” МФЙ, Бахмалсой қишлоғида жойлашган 63-сон умумтаълим мактаби негизида давлат-хусусий шериклик асосида 224 ўринли нодавлат таълим ташкилотини ташкил этиш. Нодавлат таълим ташкилот томонидан қабул қилинадиган ўқувчиларнинг 20 фоизини бепул (грант) асосида қабул қилинади.</p>

5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси: 4 144,8 млн. сўм	б) Эксплуатация харажатлари миқдори 120,0 млн. сўм			в) Умумий харажатлар 4 144,8 млн. сўм	
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 30 йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>	д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: 3 йили Аниқ маълумот бўлмаса, оралик муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>				
6.	а). Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input type="checkbox"/>					
	б). Фойдаланганлик учун тўлов (АҚШ долларида):  Бир ойлик тўлов: умумтаълим мактаби хизматлари учун 1 нафар ўқувчига 1,1 млн. сўм Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимоти <input type="checkbox"/>					
7.	ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/>					
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.					
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Хатар тақсимоти асоси</b>	<b>Изоҳ</b>
	Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)			•		
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)			•		

Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар			•		
Лойиҳа шартномаси тузулганидан кейинги лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•		
Солиқ билан боғлиқ хатарлар			•		
Тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар			•		
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейинги лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари			•		
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши			•		фойдаланувчилардан (ўқувчиларнинг оналаридан) олинадиган бир ойлик тўловлар хусусий шерик ва фойдаланувчилар ўртасида тузиладиган шартномага

					мувофик амалга оширилади
Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				
Таъмир ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
Мулк конфискацияси	•				
Операцион хатарлар			•		
Экологик/ ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		
Талаб билан боғлиқ хатарлар			•		
Бошқа					

9.	Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:			
		Сана		Сана
	а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2023 йил сентябрь ойи	д) Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	Тендер яқунидан сўнг
	б) Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	2023 йил III-чорак	е) Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.	Х
	в) Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	Х	ё) Молиявий яқунлаш	Битим кучга кирганидан сўнг
г) Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)	Х			

10	<p>Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:</p> <p>Жорий ҳолатда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида жойлашган собиқ 63-сонли урта таълим мактаби бугунги кунга келиб <b>давлат бюджетидан маблағ ажратилмайди.</b></p>
11.	<p>Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ?</p> <p>Ушбу лойиҳа давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилганда тахминан 4000.0 млн. сўм бюджет маблағлари ажратиларди.</p>
12.	<p>Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:</p> <p>Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.</p>
13.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълим ташкилотининг фаолиятини юритиш, ёшларни билим савиясини ошириш, чуқур таълим бериш, юқори малакали педагог ходимларни фанлар йўналишида иш билан таъминлаш ва ўқув рейтингини юқори даражага режалаштирилган;</p> <p>Фойдаланилмасдан бўш турган бинодан унумли фойдаланиш;</p> <p>Худуддаги нодавлат таълим ташкилотига бўлган талабни қондириш;</p> <p>Нодавлат таълим ташкилоти томонидан ҳар йили қабул қилинадиган 224 нафар ўқувчилар жами сонининг 20 фоизини ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оила фарзандларига ҳисобига тўғри келади ва уларга бепул таълим хизматларини кўрсатилади.</p>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p> <p>Ушбу лойиҳа доирасида аҳолининг умумий билим даражасини ошириш ва кучайтирилган таълим бериш йўналиши бўйича ўз фаолиятини бошлаган жамиятимиз ўз имкониятларини инобатга олиб, бу соҳада замонавий жаҳон стандартларини мос келадиган таълим хизматларини кўрсатиш, бу билан ёшларни билим олишга жалб қилишни, аҳоли орасидан халқаро олимпиадачилар чиқиши учун уларнинг таълим олишига шароит яратишни, бунда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш асосида янги иш ўринлари яратишни режалаштирган бўлиб, таълим соҳасида кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали таълим тизим яратилади.</p>
15.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>

	<p>Мазкур лойиҳада доирасида замонавий педагогик ва инновацияси замонавий ахборот технологияларини қўллаш ва тадбиқ қилинади;          Фойдаланилмасдан бўш турган бинодан унумли фойдаланилади;          Худуддаги нодавлат таълим ташкилотларига бўлган талабни қондирилади.</p>
16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:          НТТда барча ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.</p>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг: Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида жойлашган собиқ 63-сонли умумтаълим мактабининг эски бино-иншоотлари ва 7 404 кв.м. ер майдони давлат-хусусий шериклик битимида биноан ижарага берилиши зарур.</p>
18.	<p>а) Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг:          Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p> <p>б) Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.          Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>
19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган кўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:          Сув таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/>          Газ таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/>          Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/> Кириш йўллари <input type="checkbox"/>          Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/>          Бошқа          Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини куриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўллари куриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.</p>
20.	<p>Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:          “SHABNAM TEKSTIL” МЧЖ,          Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги.</p>


	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани аҳолиси.	
21.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақида маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.	
	<b>Маъсул этиб тайинланган шахс</b>	Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўлими
	<b>Ф.И.О.:</b>	Ашуров Сарвар Хамзаевич
	<b>Лавозими:</b>	Бош мутахассис
	<b>Тел.:</b>	+99855-503-74-00
	<b>Электрон почта манзили:</b>	info@uzedu.uz

“Киритилди”

“SHABNAM TEKSTIL” МЧЖ  
раҳбари

Г.Муратова



  
(D. Курманов)

  
(S. Арипов)